Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Навоий вилояти Кенгашининг
IX Конференцияси
Қ А Р О Р И
IX-1- сон

2025 йил 7 июль

Навоий шаҳри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилоят Кенгашининг 2020 йил август ойидан 2025 йил июнь ойигача бўлган даврдаги фаолияти якунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгаши томонидан 2020 йилдан 2025 йилгача бўлган фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маърузасини тинглаб ва муҳокама қилиб, конференция тизимдаги барча йўналишлари бўйича муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлайди.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгаши томонидан ҳам ҳисобот даврида касаба уюшмлари фаолиятининг устувор йўналишларининг ижросини таъминлаш бўйича муҳим вазифаларни амалга оширди.

Касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш натижасида 2020 йилда касаба уюшмалари аъзолари сони **181 минг 247 нафардан** 2024 йил **270 минг 748 нафар** *(149,9 фоиз)***га** ошди. Бошланғич ташкилотлар сони **1271** тадан **1540 та** *(121,2 фоиз)***га** ортди.

Ижтимоий мулоқот ҳамда ижтимоий шериклик кўламини кенгайтириш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий шериклар билан тузилган 1 та Ҳудудий келишув, 5 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, бевосита корхона ва ташкилотларда имзоланган 4101 та жамоа шартномалари орқали 262 минг 354 нафар (97 фоиз) ходимларнинг манфаатлари қамраб олинишига эришилди.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 2020 йилда **2 млн. 894 минг сўмни** ташкил этган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич **6 млн. 177 минг сўмни** ташкил этди.

Вилоятдаги **2233 та** корхона, ташкилот ва муассасада иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши жамоатчилик назорати тартибида ўрганилди.

Давлат дастурлари ижроси доирасида корхона ва ташкилотлардаги жамоа шартномалари орқали касаба уюшмалари ва иш берувчининг маблағлари ҳисобидан вилоятда 2020-2025 йилнинг июнь ойига қадар жамоа шартномалари ва келишувлари орқали **21266 нафар** ходим ва **17855 та** оилага жами 18 млрд. 928 млн сўмлик моддий кўмак берилди.

Фуқароларнинг пахта йиғим-теримида ихтиёрий иштирок этишлари ёки ўзларининг меҳнат вазифаларига кирмайдиган ишларни бажаришни "рад этиш" ҳуқуқлари мавжудлиги ва бу ҳеч қандай салбий оқибатларга олиб келмаслиги ҳақида касаба уюшмалари томонидан ҳар йили **11 та** баннер тайёрланиб барча туман, шаҳар марказларига жойлаштирилди. Корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда аҳоли гавжум жойларда **550 та** постер жойлаштирилди ҳамда меҳнаткашлар ҳамда аҳоли орасида **11 минг дона** флаер тарқатилди.

Ҳисобот даврида **195 та** корхона ва ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоат назорати тартибида текшириш ўтказилиб, уларда 1 **минг 856 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан иш берувчиларга **117 та** тақдимномалар киритилиб, уларнинг **97 фоизи** бартараф этишга эришилди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилалардан **114 нафарига** ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ходимлар манфаатлари **4 марта** судларда ҳимоя қилиниб, етказилган **1 млрд 688 млн. сўм** зарарни ундиришга эришилди.

Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалари томонидан жамоа шартномаларида кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажариш учун ўтган беш йилда **92 млрд. 948 млн. сўм** иш берувчилар маблағлари сарфланди. Бу эса ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ **343 минг сўмни** ташкил этди.

"Аёллар дафтари" тизимининг 5 босқичида жами **108 минг 101** нафар хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди ва бунинг учун жами 161 млрд. 315 минг сўм маблағ сарфланди.

Ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, маънавий тарбиялаш ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида 2021-2024 йилларда касаба уюшма аъзоларининг **42800 нафарини** театрларга, **23300** нафарини концертларга, **42600** нафарини музейларга ташрифи уюштирилди.

Корхона ва ташкилотларда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Раҳбар ва ёш ходимлар", "Раҳбар, фаоллар ва ёшлар"** учрашувлари ўтказилиб, **1400 дан ортиқ** ёш ходимлар билан мулоқот қилинди.

Ҳисобот даврида **"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!"** шиори остида ички туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тизимдаги касаба

уюшмалари ташкилотлари томонидан қарийб **35900 минг нафар** вилоятимиздаги меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги тарихий қадамжоларга, диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди.

Навоий вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳисобот даврида **500 та** спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларга **100 минг нафардан** ортиқ меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари жалб этилди.

Тизимдаги санаторийларда 2021-2024 йиллар давомида Навоий вилоятидан **5 минг 526 нафар** дам олувчилар соғломлаштирилиб, улардан **5 минг 32 нафари** имтиёзли ва **494 нафари** бепул йўлланмалар асосида ўз саломатликларини тикладилар.

Ҳисобот даврида ёз мавсуми давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш борасида **11 та** шаҳар орти оромгоҳларда **70 минг нафардан** ортиқ бола соғломлаштирилди.

2025 йил февраль-апрель ойларида **1 минг 540 та** бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари) ўтказилиб, мазкур йиғилишларда корхоналарда фаолият кўрсатаётган **69 минг 872 нафар** ходимлар ва делегатлар иштирок этди.

Сайланган бошланғич ташкилотлар раисларининг **68,8 фоизини** олий маълумотлилар, **69,8 фоизини** 30-50 ёшдагилар, **50,8 фоизини** педагоглар, **38,7 фоизини** аёллар, биринчи марта сайланганлар **213 нафарни** ташкил қилди.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида вилоят бўлинмаси Кенгашининг фаолиятида айрим камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланди.

Шу билан биргаликда, Конференция шуни таъкидлайдики, вилоят кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятида баъзи камчиликлар мавжуд.

Жамоа келишувлари ва шартномалари иқтисодий асосланмаган, экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган ҳолатлари учрамоқда, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан жамоа шартномалари лойиҳаларига берилаётган экспертиза хулосаларининг сифати талабга жавоб бермайди.

Касаба уюшмаларининг қуйи бўғин ташкилотларида ҳуқуқий ҳимоя, аъзоларнинг мурожаатлари билан ишлаш, мурожаатларни таҳлил қилиш ва мурожаатларда кўтарилаётган масалалар юзасидан давлат бошқаруви ва хўжалик органларига маълумотлар киритиб боришда оқсоқликларга йўл қўйилмоқда.

Тармоқ туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва ҳуқуқий тарғибот ишларидаги ўрни сезилмайди.

Спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этишда жамоа шартномалари ва келишувлари имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш режаларида спорт тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган бўлсада, лекин тадбирлар ўтказилмаяпти. Меҳнат жамоаларида ўтказилаётган ходимлар гимнастикасининг сифати талабга жавоб бермайди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятига амалий ёрдам бериш орқали уларнинг фаолиятини Устав талаблари асосида ташкил этиш борасидаги ишлар охирига етказилмаган.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда фаолиятини самарали ташкил этиш, бошланғич ташкилотлар мавқеини ошириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида, **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгашининг IX Конференцияси**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгашининг 2020 йил августдан 2025 йил июнгача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгашининг 2020 йил августдан 2025 йил июнгача бўлган даврдаги фаолияти **қониқарли** деб топилсин.

3. Ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларни, оила аъзоларини соғломлаштириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишда шарт-шароит яратиш, касаба уюшмаларида рақамли технологиялар, электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг мавқеини ошириш вилоят касаба уюшмаларининг фаолиятидаги асосий йўналишлар эканлиги қайд этилсин.

4. Қуйидагилар навбатдаги ҳисобот даври учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

вилоятдаги барча, жумладан нодавлат корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилаётган ходимлар касаба уюшмаси аъзолигига тўлиқ жалб этилишини таъминлаш орқали касаба уюшмасини ташкилий жиҳатдан мустакамлашга кўмаклашиш;

ҳудудий келишув, жамоа шартномаларида ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёллар учун қўшимча имтиёз ва кафотлатлар кўламини оширилишига, ҳудудий тармоқ келишувлари ва жамоат шартномаларидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилишига эришиш;

жамоа келишувлари ва шартномаларига меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитлари масалаларини тўлиқ киритилишига, меҳнат муҳофазаси бўйича

битимлар тузилишига ва улардаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишига ҳамда касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялари фаолиятини йўлга қўйишга эришиш;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, ўз Устав вазифаларини амалга оширишда кўмаклашишга қаратилган қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги, "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонунларга қатъий риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини тубдан кучайтириш, бу борада бошланғич ташкилотлар масъулиятини ошириш;

корхона, ташкилот, муссасаларда халқаро меҳнат стандартларининг татбиқ қилинишида иш берувчиларга кўмаклашиш;

касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, бунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналишида амалий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш;

касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмаси ташкилотчиси бир йилда камида бир марта корхона, ташкилотдаги касаба уюшмаси аъзолари олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беришини қатъий таъминлаб бориш топширилсин.

5. Тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар, масъул ташкилотчилар, бошланғич ташкилотлари:

тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар ҳузуридаги эксперт комиссиялар таркибига малакали мутахассислар киритишни ташкил этиб, жамоа шартномалари лойиҳаларига берилаётган экспертиза хулосаларининг сифатини ошириш;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилиги ва "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

Ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ҳар бир ташкилот ва корхонада спорт мусобақаларининг йиллик жадвалларини ишлаб чиқиб, мусобақаларда ҳар бир жамоанинг бирор тур бўйича иштирокини таъминлаш;;.

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларнинг китобга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида китобхонлик тадбирларини ташкил этиш;

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, касаба уюшма фаолиятини ташкил этишда замонавий ахборот технолгиялардан самарали фойдаланиш;

янги ташкил этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномасини тузиш, уларда касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда доимий комиссиялар фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси масаласи бўйича ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш, кейинги беш йилда ҳар бир бошланғич ташкилотда ва тармоқда амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбир ишлаб чиқиш;

Устав бўйича фаолиятини намунали қилиб тайёрланган бошланғич касаба уюшма ташкилотларида амалга оширилган ишларни барча бошланғич ташкилотлар учун намуна қилиб кўрсатиш вазифалари топширилсин.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси ўринбосари, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмита раисларига:

жамоа шартномаларининг ҳуқуқий мақомини кўтариш, амалийлигини таъминлаш, томонлар жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

касаба уюшма аъзолигига олинган янги ташкил этилган давлат ҳамда нодавлат ташкилотларда жамоа шартномаларининг тузилишига эришиш;

жойларда жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш комиссияларининг малакасини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш;

иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, унинг энг кам даражасига риоя қилиниши, пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг ҳар қандай кўринишининг олдини олиш бўйича, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларига амал қилиниши устидан жамоат назоратини олиб бориш топширилсин.

7. Вилоят Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими, тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда:

ҳар бир бошланғич касаба уюшма ташкилотида иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларининг тўлиқ ижросини таъминлаш, Ҳудудий ва тармоқ келишувлари ижросини мониторинг қилиб бориш;

ходимларга иш ҳақларини ўз вақтида берилиши жойларга чиқиб мониторинг қилиш;

болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича корхона, ташкилотларда ўрганиш ишларини олиб бориш топширилади.

8. Вилоят кенгаши раиси ўринбосари, меҳнат ҳуқуқ инспектори, тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раислари билан ҳамкорликда:

ҳар бир туман ва шаҳарларда йирик корхона, ташкилотларда касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчилар билан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўқув-семинарларини жадвал асосида мунтазам ташкил этиш;

мурожаатлар билан ишлаш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида тармоқларнинг туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига амалий ёрдам бериш топширилсин.

9. Вилоят кенгаши раиси ўринбосари, меҳнат техник инспектори тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмита раислари ўзаро ҳамкорликда:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назоратини янги босқичга олиб чиқиш чораларини белгиласинлар ва амалга оширсинлар. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятда сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқсин;

меҳнат муҳофазаси бўйича мавжуд йўриқномаларга киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича касаба уюшмалари фаоллари учун қисқа ўқувлар ташкил этиш топширилсин.

10. Вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ташкилий ишлар бўлимига, тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда:

вилоят кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари, туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш орқали иш юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чораларини кўриш;

касаба уюшмаси тузилмаган корхона, ташкилот, муассасаларда касаба уюшмаси аъзолик афзалликларини тарғиботини такомиллаштириш, музокараларнинг янги усулларини жорий этиш орқали касаба уюшмасига оммавий жалб этиш чораларини кўриш топширилсин.

11. Вилоят кенгаши раиси ўринбосари кенгаш аппарати бўлимлари, тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда:

"Атроф муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили" дастури ҳамда келгуси йилларда қабул қилинадиган йил дастурларининг ижросини ҳар бир тармоқ, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ижросини таъминлашни назорат қилиш;

бунда касаба уюшмалари ташкилотларининг йил дастурлари бўйича ўз ташаббуслари билан ўтказиладиган тадбирларга аҳамият бериш топширилсин.

12. Вилоят кенгаши раиси ўринбосари, маданий – маърифий ва спорт ишлари бўлими тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар

кенгашлари, бирлашган қўмиталар раислари, масъул ташкилотчилар билан ҳамкорликда:

туризмни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг иш қўламини белгилаб олиш, туризмни ривожлантириш борасида нималарга эътиборни қаратиш юзасидан чоралар белгилаш;

тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, ўзлари яшаётган ҳудуддаги тарихий обидалар билан танишиш, касаба уюшма фаолларини у жойларга саёҳатини амалга ошириб, қолган аъзоларни ҳам тарихий жойларнинг бунёд этилиши ва аҳамияти тўғрисида таништириб бориш;

барча даражадаги касаба уюшма ташкилотлари ички туризмни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият беришлари, яратилаётган янги туризм объектларида касаба уюшмалари тадбирларини ташкил этиш орқали, уларнинг аҳамиятини орттириш чораларини кўриш;

касаба уюшмалари томонидан спортнинг оммавий турларини янада ривожлантиришда қуйидагиларга эътиборларини қаратиш:

сузиш спорти турини ривожлантириш бўйича вилоят миқёсида касаба уюшмаларининг чемпионатини тадбирларини ташкил этиш;

сув спорти объектларида турли тадбирлар ва сузиш бўйича спорт мусобақаларини уюштириш, бу спорт турининг инсон соғлигига ижобиий таъсирини оммога тарғибот қилиш;

ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларининг оммавийлигини таъминлаш, уларда вилоятдаги ҳар бир бошланғич ташкилотлар фаол иштирокини таъминлаш;

бошланғич касаба уюшмалари томонидан "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" шиори остидаги саёҳатларни кўпайтириш билан бирга, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида вилоятдаги туризм объектларига бошқа вилоятдаги касаба уюшма ташкилотларини жалб этиш чораларини кўриш;

вилоятдаги телеканалларда ёки ижтимоий тармоқларда касаба уюшма фаолиятини ёритувчи махсус кўрсатувлар ташкил этиш;

YouTube, Telegram, Facebook, Instagram каби ижтимоий тармоқларда касаба уюшмалари ахборотларини жойлаштириб бориш топширилсин.

13. Вилоят кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:

ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти аъзоларнинг қизиқишларини инобатга олиб, оддий спорт мусобақаларини ўтказишлари, давра суҳбати ва танловларга кўпроқ ёшларни жалб этиш, ўтказиладиган тадбирлар мониторингини ҳар бир ташкилот кесимида юритиш;

чекка ҳудудлардаги бошланғич ташкилотларни қамраб олган ҳолда манзилли режа асосида ёшлар билан мулоқотлар, спорт мусобақалари, танловлар, амалий ишларни ташкил этиш;

Ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш бўйича сўровномалар ўтказиш, уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, қизиқишлари билан ҳамоҳанг фаолият йўналишларини ўзгартириш юзасидан таклифлар бериш;

Ёшлар бирлашмасининг келгуси беш йилда фаолияти бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, унда юқорида кўрсатилган вазифа ва йўналишларга қатъий эътибор қаратиши, касаба уюшмаларининг барча йўналишлари бўйича энг замонавий тадбирларни амалга ошириш чораларини белгилаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш, уни янада такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш, ташаббуслар билан чиқиш ваколатидан унумли фойдаланиши вазифаси топширилсин.

14. Хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш вилоят штаби, туман ва шаҳарларга бириктирилган масъуллар, "Аёллар дафтари" га киритилган хотин-қизларнинг кўрсатилган ёрдамларнинг ҳаққонийлиги устидан жамотчилик назоратини олиб бориш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаментининг вилоят бошқармаси тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар раисларига, болаларни оромгоҳларга жалб этиш бўйича белгиланган режани тўлиқ ижро этиш топширилсин.

16. Вилоят Кенгаши меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекцияси:

меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича қонунчиликда бўлган охирги янгиланишлар тўғрисида касаба уюшма фаоллари, иш берувчилар вакилларининг саводхонлигини ошириш ишларини олиб бориш;

Бу йўналишда ҳар бир бошланғич ташкилот раисларининг фаолиятида учраётган муаммо ва тушунмовчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этишда амалий ёрдам бериш чораларини кўриш топширилсин.

17. Вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими, тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмита раислари билан ҳамкорликда:

вилоят кенгашининг веб-сайти имкониятларини кенгайтириш, унда касаба уюшма аъзолик афзалликларини тарғиб этиш;

касаба уюшмалари фаолиятини кенг ёритишда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

вилоят кенгаши кадрларнинг билим ва салоҳиятларини ошириш;

янги сайланган бошланғич ташкилот фаоллари иштирокида туман ва шаҳарларда ишларни Устав талаблари асосида ҳужжатларштириш ва юритиш бўйича сайёр ўқувлар ташкил этиш;

ҳисобот-сайловлар жараёнида касаба уюшмаси аъзоларидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чорасини кўриш;

ўтказилган ҳисобот-сайлов умумий йиғилишлари ва конференциялари ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш топширилсин.

18. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгаши, уч кун муддатда конференцияда билдирилган танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан аниқ муддатли ва манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгашининг IX Конференцияси бундан кейин ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда ижтимоий шериклик тамойилларини ҳар томонлама ривожлантиради.

Конференция раиси **А.Бобомуродова**